

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 349-ҳадис

عَنْ أَبْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَبْرُرُ الْبَرِّ: أَنْ يَصِلَ الرَّجُلُ وُدَّ أَبِيهِ».

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَعْرَابِ لَقِيَهُ بِطَرِيقِ مَكَّةَ، فَسَلَّمَ عَلَيْهِ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ، وَحَمَلَهُ عَلَى حِمَارٍ كَانَ يَكْبُرُهُ، وَأَعْطَاهُ عِمَامَةً كَانَتْ عَلَى رَأْسِهِ، فَقَالَ أَبْنُ دِينَارٍ: فَقُلْنَا لَهُ: أَصْلَحْكَ اللَّهُ، إِنَّكُمُ الْأَعْرَابُ، وَإِنَّهُمْ يَرْضُونَ بِالْيَسِيرِ! فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ: إِنَّ أَبَا هَذَا كَانَ وُدًّا لِعُمَرَ بْنِ الْحَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، وَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ أَبَرَّ الْبَرِّ: صِلَةُ الْوَلَدِ أَهْلَ وُدَّ أَبِيهِ».

وَفِي رِوَايَةٍ عَنِ ابْنِ دِينَارٍ، عَنْ أَبْنِ عُمَرَ: أَنَّهُ كَانَ إِذَا خَرَجَ إِلَى مَكَّةَ كَانَ لَهُ حِمَارٌ يَرْوَحُ عَلَيْهِ إِذَا مَلَّ كُوبَ الرَّاحِلَةِ، وَعِمَامَةً يَشْدُدُ إِلَيْهَا رَأْسَهُ، فَبَيْنَا هُوَ يَوْمًا عَلَى ذَلِكَ الْحِمَارِ؛ إِذْ مَرَّ بِهِ أَعْرَابٌ، فَقَالَ: أَلَسْتَ ابْنَ فُلَانِ بْنِ فُلَانِ؟ قَالَ: بَلَى، فَأَعْطَاهُ الْحِمَارَ، فَقَالَ: أَكَبْ هَذَا، وَ[أَعْطَاهُ] الْعِمَامَةَ قَالَ: اشْدُدْ إِلَيْهَا رَأْسَكَ، فَقَالَ لَهُ بَعْضُ أَصْحَابِهِ: عَفْرَ اللَّهُ لَكَ؛ أَعْطَيْتَ هَذَا الْأَعْرَابِيَّ حِمَارًا كُنْتَ تَرْوَحُ عَلَيْهِ، وَعِمَامَةً كُنْتَ تَشْدُدُ إِلَيْهَا رَأْسَكَ؟! فَقَالَ: إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ مِنْ أَبَرِّ الْبَرِّ: صِلَةُ الرَّجُلِ أَهْلَ وُدَّ أَبِيهِ بَعْدَ أَنْ يُؤْلَيَ» وَإِنَّ أَبَاهُ كَانَ صَدِيقًا لِعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، رَوَى هَذِهِ الرِّوَايَاتِ كُلَّهَا مُسْلِمٌ. [11، 12، 2552].

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхшиликларнинг энг яхшиси - киши отасининг яқин дўстларига силаи раҳм қилишидир», дедилар».

Абдуллоҳ ибн Динордан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар Макканинг йўлида бир аъробийни учратиб, унга салом берди ва уни ўзи миниб турадиган эшагига миндириб, бошидаги салласини ҳам унга берди. Биз унга: «Аллоҳ сизни саломат қилсин! Улар аъробийларку, озгина нарсага ҳам рози бўлаверишади», деган эдик, Абдуллоҳ: «Бунинг отаси (отам) Умар ибн Хаттобнинг суюкли дўсти эди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Яхшиликларнинг энг яхшиси - фарзанд отасининг яқин дўстларига силаи раҳм қилишидир», деганларини эшитганман», деди».

Ибн Динордан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар қачон Макка томонга чиқса, тuya миниб чарчаганда дам олиш учун миниб турадиган эшаги ва бошига боғлайдиган салласи бўлар эди. Бир куни ўша эшагини миниб кетаётган эди, олдидан бир аъробий ўтиб қолди. Шунда: «Сен Фалончининг ўғли Фалончининг ўғли эмасмисан?» деди. У: «Ҳа, шундай», деди. Ибн Умар унга эшакни бериб, «Бунга миниб ол», деди, сўнг саллани бериб, «Буни бошинингга ўраб ол», деди.

Шерикларидан бири унга: «Аллоҳ сизни мағфират қилсин! Чарчаганда миниб турадиган эшагингизни, бошингизга ўрайдиган саллангизни мана шу аъробийга бердингиз-а?» деган эди, «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Яхшиликларнинг энг яхшиси - киши отаси ўтганидан кейин унинг дўстларига силаи раҳм қилишидир», деганларини эшитганман. Унинг отаси (отам) Умарнинг дўсти эди», деди».

Бу ривоятларнинг барчасини Имом Муслим ривоят қилганлар.

Манба: hadis.islom.uz

